



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

2021 yil “10” 08

№ 195

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематологик ва онкологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5130-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сонли қарори билан тасдиқланган Гематология ва онкология хизматларини янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар режасининг 39-банди ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематологик ва онкологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5130-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори (М.Тилляшайхов) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникада фаолият юритувчи онколог шифокорни Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиал директорларининг тавсияси асосида лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этилиши устидан доимий назорат олиб борсин.

3. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари У.Сабиоров зиммасига юклансин.

Вазир

А.Хаджибаев

601600